

**Жасур Нуриддинов**

[Jasur\\_Nuriddin@mail.ru](mailto:Jasur_Nuriddin@mail.ru)

Суд харажатлари суд муҳокамасида иштирок этиш билан боғлиқ ҳолатда юзага келадиган молиявий харажатлардир. Суд харажатларини шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин: биринчиси, бевосита судга тўланадиган харажатлар ва иккинчиси ишда иштирок этувчи ва ишни мазмунан кўриб чиқилишига хисса қўшувчи шахсларга тўланадиган харажатлар.

Бевосита судга тўланадиган харажатлар сифатида давлат божи, почта ва ишни видеоконференсалоқа режимида кўриб чиқиш билан боғлиқ ва далилларни жойига чиқиб ўрганиш билан боғлиқ харажатларни ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Иккинчи турдаги харажатларга гувоҳларга, експертга тўланадиган ҳақлар ва адвокат хизматидан фойдаланганлик учун харажатларни ва бошқа тўловларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Суд харажатлари институти процессуал хуқуқда энг муҳим институтлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир суд муҳокамасининг сўнгида суд харажатларини тақсимлаш масаласи кўриб чиқилади. Суд харажатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ўрганишдан олдин унинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихига ҳам эътибор бериш лозим.

Рим хуқуки манбаларида суд жараёнида ютқизган ютганга барча суд харажатларини қоплаб беришга мажбурулиги ҳақидаги қоидалар учрайди.

Қадимги рус ҳуқуки манбаи бўлмиш “Рус ҳақиқати”да биринчи марта суд харажатлари эслаб ўтилади. Мазкур манбанинг 108-моддасида агар акаука князлик судида низолаша бошласа, низони ҳал қилган гринна кун олиши белгиланган. Мазкур модда ҳозирда суд ишни кўриб чиқиши учун давлат божи тўланиши лозимлиги кўрсатилганлиги каби низо кўриб чиқилиши учун

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

маълум бир сумма тўланиши лозим бўлганлигини кўрсатади.

Қадимги даврлардан бошлаб суд княз ҳокимиятининг энг асосий даромад келтирувчи манбаларидан бири бўлган. Княз ўз амалдорларини ҳудудларга даромад йиғиш учун юборар экан, уларга мазкур даромаднинг асосий манбаларидан бўлмиш суд қилиш ва жазолаш ваколатини берган. Тушган пул маблағлари князнинг ўзига ёки юборилганларга тегишли бўлган. Бунда ютказган томондан ютган фойдасига ва судга турли тўловлар ундирилган. Ютказган томон қанчалик юқори мартабага эга бўлса, божлар ҳам шунчалик юқори бўлган.

Биринчи судебниклар пайдо бўлгунига қадар суд божарининг учта тури мавжуд бўлган: судга чақириш учун, келишганлик учун ва “дала” тўловлари. Судебниклар даврида ўн биттагача ҳар-хил номланишдаги божлар мавжуд бўлган. Улар суд якунлангандан кейин ундирилган, лекин, суд муҳокамаси бошлангунга қадар низолашувчилар томонидан қўлга берилган.

Псков суд ёрлиғида ҳам суд харажатлари тўғрисидаги нормалар мавжуд бўлган. Жумладан, ёрлиқнинг 50, 82-моддаларида суд харажатларининг миқдорлари ва тўлаш тартиби келтириб ўтилган.

Новгород суд ёрлиғида суд харажатларини тўлаш ва суд қарорини ижро этиш учун бир ойлик муддат белгиланган бўлиб, агар ушбу муддатда суд харажатлари тўланмаса, айбор Новгород вечеси приставалари томонидан тўлашга мажбурланган.

Феодал тузум дврида Россияда судга мурожаат қилиш жуда қиммат ҳисобланган ва шу сабабли аҳолининг катта қисми учун судга мурожаат қилиш деярли имконсиз бўлган. 1497 йилги Судебниқда судяга – боярга даъво суммасининг 6 фоизи миқдорида ҳақ тўланиши лозимлиги белгиланган. Ундан ташқари “дъяқ” - суд котибига 4 рублдан тўланиши лозимлиги кўрсатилган.

Ундан ташқари божлар ҳар бир процессуал ҳаракат учун ундирилган. Жумладан, судга мурожаат қилиш, жавобгарни қидириш ва суд

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

муҳокамасида иштирокини таъминлаш, “недельщик” – нозир томонидан иш бўйича тергов ўтказилганлиги, суд томонидан муҳокаманинг муддати белгиланганлиги ёки муддат бошқа санага кўчирилганлиги учун.

1649 йилги Собор Низомларигача бож тўловлари судянинг даромадига тушган, ҳукмдорнинг фойдасига фақатгина унинг ўзи томонидан кўрилган ишлар бўйича ундирилган божлар келиб тушган. 1649 йилги Собор Низомлари билан бож тўловлари давлат хазинасига ундирилган. Масъул шахслар божларнинг ундирилишини қайд қилиш билан шуғулланган. Уни яширганлик учун айбор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Божларни ундирамаганлик учун моддий жавобгарлик судяларнинг зиммасида бўлган.

Суд божлари давлат даромадининг асосий манбаси бўлган. Шу сабабли, Собор Низоми билан судяларга тарафларни уларнинг аризаларига кўра божларни тўлашдан озод қилиш тақиқланган. Бироқ, Низомда суд божларини тўлаш бўйича ҳозирги замонавий имтиёзларга ўхшаган кўринишдаги имтиёз ҳам мавжуд бўлган: ўқчи аскарлар суд божи ҳисоблаб чиқариладиган даъво суммасининг чекланган миқдорига эга бўлганлар.

Низом даврида суд чиқимлари ундирувларнинг катта қисмини ташкил қилган. Суд чиқимлари суд жараёнини секинлашувига сабаб бўлган ҳар кимдан ундирилган. Даъвогар, жавобгар ва ҳаттоқи судялардан ҳам. Суд божлари бутун бир тизимни ташкил қилиб, хазинага, судя ва котиб фойдасига ундириладиган бож турлари мавжуд бўлган.

1864 йилги суд ислоҳотларидан бири Фуқаролик иш юритиш устави қабул қилиниши бўлган. Мазкур уставнинг 4 бўлими суд харажатларига бағишлиланган бўлиб, устав суд харажатларини 4 га бўлган: герб йифими, суд ва канселярия божлари, иш юритиш бўйича йифим.

Уставда давлат божининг ҳозирги замонавий кўринишдаги шаклларига ўхшаш кўринишлари ҳам мавжуд бўлган. Уставнинг 840-моддасида фуқаролик иш юритувида герб божи герб йифимидан иборат еканлиги кўрсатиб ўтилган. Устав герб йифимларини оддий ва

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

пропорционалга ажратган. Оддий йиғим олтита окладни ўрнатган: бир рубл йигирма беш тийин, йетмиш беш тийин, йигирма тийин, ўн беш тийин, ўн ва беш тийин (хужжатнинг турига қараб).

Пропорционал герб йиғими икки турга бўлинган: вексел (вексел, қарз хати, қарз тилхати) ва актовий – икки окладда: 50 рублдан ортиқ миқдордаги актлар ва хужжатлардан (мисол учун олди-сотди, ҳадъя шартномалари ва бошқалар).

Суд харажатларини тўлашдан озод қилишнинг асосларидан бири камбағаллик ҳуқуқини тан олиш ҳисобланган. Уставда суд харажатларини тақсимлаш масалалари ҳам келтириб ўтилган. Жумладан, ютказган томон, яъни, суд қарори фойдасига чиқарилмаган томон қарши томонга барча суд харажатларини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Совет даврида судга мурожаат қилиш имкониятини таъминлаш мақсадида суд харажатлари масаласига катта еътибор берилди. 1923 йилда РСФСРнинг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинди. Совет қонунчилиги билан суд харажатларини ундиришнинг мақсади ва тартиби ҳамда уни тўлашдан озод қилинган шахслар доираси белгилаб берилди.

1923 йилдаги РСФСРнинг Фуқаролик процессуал кодексидаги даъво суммасини аниқлаш тўғрисидаги норма ҳозирги кундаги РФ ФПКга ўзгартиришсиз қабул қилинган.

Даъво суммаси даъвогар томонидан аризада кўрсатилган. Судя аризани иш юритишга қабул қилишда ёки ишни кўриш жараёнида даъво суммаси ва ундириш сўралган мулк ўртасида яққол номувофиқликни кўрса (камайтириш ёки кўпайтириш) ҳақиқий даъво суммасини ўрнатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

РСФСРнинг Фуқаролик процессуал кодекси 43-моддасида суд харажатларини тўлашдан ишчилар ва хизматчилар меҳнат соҳасидаги низолар бўйича келиб чиқадиган даъволардан, колхозчилар меҳнат кунлари бўйича ҳисоб-китоблардан келиб чиқадиган низолар бўйича, промартел аъзолари артелдаги меҳнат учун мукофот тўғрисидаги, муаллифлик ва

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

кашфиёт учун мукофот пулини ундириш тўғрисидаги, алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлиш ёки тан жарохати олиш натижасида йетказилган зарарларни ундириш, ижтимоий суғурта ва пенсия органлари тўланган нафақа ва пенсияларни ундириш бўйича, даъвогар ва жавобгарлар боқиманда қарздорлик ва жарималарни ундириш бўйича ишларда озод қилинган.

1964 йил 1 октябрда киритилган жиддий ўзгартиришларга кўра, суд харажатларини тўлашдан озод қилинган шахслар доираси кенгайтирилиб, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатлари тўлиқ кўриб чиқилди (жавобгарни қидириш ва суд қарорини ижро етиш билан боғлиқ харажатлар киритилди).

Миллий тарихимизда ислом хуқуқига асосланган шариат судлари фаолият юритиб, қозилар ҳар бир ишни муайян тўлов эвазига кўриб чиққанлар.